



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 15 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (12.699)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш имконига эга бўлганим учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдираман.

Сизни ва Ўзбекистон илмий жамоатчилигини юксак савияда ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман муваффақиятли ўтгани билан табриклайман. Халқаро илмий жамоатчилик ғоят фойдали ва муҳим ташаббуслардан бирига айланган бундай конференцияни кўпдан буён сабрсизлик билан кутган эди. Форум дунё мамлакатлари илм-фан вакиллари Марказий Осиё олимларининг улкан илмий ва тарихий меросининг ҳали очилмаган саҳифаларини ўрганиш мақсадида бир жойга тўплади.

Сиз ўзингизнинг теран маъноли илмий нутқингизда менинг илмий фаолиятимни лутфан эслаб ўтдингиз. Бу мен учун катта шарафдир. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ўрганишга бағишланган ярим асрлик фаолиятим давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани ва юксак баҳоланганидан мен ниҳоятда мамнунман ва бунинг учун чуқур миннатдорлик издор этаман.

Бой ўтмишга эга ва бугун тараққий этиб бораётган буюк мамлакатингиз бутун Осиё доғруғини кенг ёйишга улкан ҳисса қўшган ва қўшмоқда. Хинд халқининг буюк фарзанди Жаҳоҳарлаъл Неру Шарқ Ренессанс ҳақида гапирганда ҳар доим Марказий Осиёни назарда тутган. Ўз фаолиятини 1969 йилдан буён Марказий Осиё ва Ўзбекистон билан боғлаган олим сифатида ушбу минтақа илм-фани ва маданияти доимо мени мафтун этиб келади. Марказий Осиё алломалари ва мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва қайта тиклашга ўзимнинг арзимас улушимни қўшганимдан бахтиёрман.

Марказий Осиё ҳақида 230 илмий мақола ва 15 китобим чоп этилган. Айни пайтда Марказий Осиё тўғрисидаги Қисқача энциклопедия устида олиб бораётган ишнинг ниҳоясига етказиш арафасидаман. Сиз Ўзбекистонда буюк аждодларингиз меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга раҳнамолик қилаётганингиз ҳар қанча таҳсинга сазовордир, бу мени ҳам янги-янги илмий изланишларга руҳлантиради. Сизнинг ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз бизнинг Марказий Осиёни янада чуқур ўрганишга қаратилган ишларимизга янги куч бағишламоқда. Зеро, ўз аждодлари ва олимларини қадрлаган давлат, албатта, равнақ топади.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган айрим китобларимни Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тақдим этиш мен учун катта шарафдир. Менинг фикрларимни Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги сатрлари янада ёрқинроқ ифодалаши мумкин:

Ўзимда не бўлса борини бердим,
Сиз яхши биласиз бунинг қадрини.
Эзгу тилаклар билан,


Мансура ХАЙДАР,
профессор, Индира Ганди номидаги
миллий маданият марказининг
илмий раҳбари.
Дехли

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар берилганидек, 11 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Бир кун олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди, уларда кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама этилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тайёрланган «Микроолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-мод-



ЙЎЛСОЗ КОРХОНАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Миллий матбуот марказида маблағларни бошқариш, солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича долзарб масалаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг ҳудудлардаги 215 корхонаси вакиллари иштирок этди.

Семинарни ўтказишдан мақсад «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибига қирадиган корхоналар раҳбар ва масъул ходимларини молиявий ҳисоботларни юриш ва солиқ солиш масалаларида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун қонунчиликка киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан таништиришдир. Жумладан, Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 3 мартда қабул қилинган «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ соҳа корхоналарига тақдим этилаётган кенг қўламли имкониятлар, имтиёз ва преференциялар муҳокама этилди.

Айни пайтда мамлакатимиз автомобил йўлларининг узунлиги 184 минг километрдан зиёд, — дейди «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Д.Турсунов. — Шунинг 42 минг километрдан ортиғига компаниямиз томонидан хизмат кўрсатилмоқда. Ҳудудларда 57 туман бўлими мавжуд бўлиб, улар ягона автомобиль йўли тармоғида транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу

боис мазкур корхоналар маблағларини бошқариш ва уларни солиққа тортиш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Семинарда автойўл корхоналарини янада ривожлантириш масаласига бағишланган маърузалар тингланди. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тузилмасидаги корхоналар вакиллари қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгаришлар ҳусусида батафсил маълумот олди.

— Тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар, давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасида жорий йилда бир миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришилди, — дейди «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилоти бош иқтисодчиси К.Ўроқбоев. — Иқтисод қилинган маблағ ҳудудимиздаги йўлларнинг ҳолатини янада яхшилашга йўналтирилади. Бундан ташқари, 37 янги махсус машина олди.

Тадбир якунида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси мутахассислари корхоналар вакиллари кизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИЛАР

Парламент эшитуви вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мактабгача таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишни мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг ташаббусига кўра ўтказилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ бу соҳага жиддий эътибор қаратилди ва амалга оширилган ислохотлар натижасида ноёб, ўхшаши йўқ узлуксиз таълим услуби шакллантирилди. Ушбу услуб мактабгача таълим, мактаб таъ-

Аввал хабар берилганидек, 11 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқ таълими вазирининг мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

лими, ўрта махсус, мактабдан ташқари таълим, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни ўз ичига олади. Бунда мактабгача таълимнинг аҳамияти бекиёсдир, эрта болаликдан ўзини ўзи камолотга етказиш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун пойдевор яратиш, ўзида инсоннинг бутун умри давомида керак бўладиган билимларга қизиқиш ва интилишни шакллантириш муҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари эшитувга тайёргарлик кўриш доирасида ўз сайлов округларида

тегишли иш олиб бордилар. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан мактабгача таълим тизимининг ривожланишини, жумладан, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинишини, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари асосида уларни тарбиялаш ва ўқитиш даражаси ҳамда сифатини ўрганишга, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлоднинг шакллантиришга доир назорат-таҳлил тадбирлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

ни кўриш ва механизмларни яратишга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасига биноан, «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Парламент қуйи палатаси вакиллари фикрича, мазкур қонун лойиҳаси ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз иқтисодий мустақиллиги учун жавобгарлигини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ғайри қонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан бир қатор семинарлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ўтказилди. Уларнинг натижалари бўйича айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган 18 та ўзгариш ва қўшимча киритилди. Ишчи гуруҳ ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини муҳокама этиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, шунингдек, экспертлар ва мутахассислар томонидан киритилган амалий таклифларни инобатга олди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳ қонун лойиҳаси устида ишлаш чоғида депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувларда келиб тушган фикр ва таклифларни ҳам ҳисобга олди. Шунингдек, бир қатор давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)



МAMЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Самарқандда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Марказий банк вилоят бош бошқармаси, фермерлар ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 160 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес лойиҳалари билан қатнашди. Танлов якунига кўра, ўн нафар иштирокчининг лойиҳаси истикболли деб топилиб, уларга мамлакат босқичига йўлланма берилди.

● Фарғона вилоятида хорижий инвесторлар иштирокидаги 127 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 12 янги хорижий корхона ташкил этилиб, 1 минг 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Кегейли туманларида замонавий маданият ва аҳолидам олиш марказлари фойдаланишга топширилди. Кегейли туманидаги ана шундай марказда 5 тўгарак, 4 бадий жамоа, «Жайхун» вокал-чолғу ансамбли, «Жилва» ашула ва рақс ансамбли фаолият олиб бормоқда. Уларга 300 га яқин иқтидорли ёшлар жалб этилган.

● Жиззах шаҳридаги «Euroasia carpet» корхонасида йилга 1 миллион 800 минг квадрат метр турли ўлчамдаги гилам, 2 минг тонна полипропилен ипи ишлаб чиқарилаётир. 2013 йилда 1 миллион 750 минг АҚШ долларилек махсулот экспорт қилинди.

ЖАҲОНДА

● Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) келаётган йилда дунё бўйича нефтга бўлган талаб ортинини маълум қилди. Ташкилот экспертларининг тахминича, 2015 йилда «қора олтин»нинг бир суткалик эҳтиёжи 1,4 миллион баррель кўпайиб, 94,1 миллион баррелга етади.

● Олимлар Ер юзиде яшаган энг катта қушни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари якунларини маълум қилишди. Ушбу қуш суяклари 1983 йилда АҚШнинг Жанубий Каролина штатидан топилган бўлиб, энг замонавий техника воситалари ёрдамида аниқланишича, қанотларининг узунлиги олти ярим метрга тенг бўлиб, у бундан тўрт миллион йил муқаддам яшаган.

● 2017 йилда АҚШнинг «Space Adventures» хусусий космик компанияси Ойга дастлабки сайёҳлик парвозини амалга оширишни режалаштирмоқда. Қизиғи шундаки, ушбу сайёҳатнинг нархи бир киши учун 150 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва парвознинг умумий вақти 24 соатдан иборат бўлади. Компания раҳбарининг таъкидлашича, ҳозирнинг ўзида икки нафар одам шунча миқдордаги маблағни тўлашга тайёрлигини билдирган.

